

Президент 523 нафар маҳкумни афв этиш тўғрисида фармон имзолади



11:34 / 28.08.2025 1013

Мустақилликнинг 34 йиллиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёев жазо муддатини ўтаётган бир гуруҳ шахсларга нисбатан афв тўғрисида фармон [имзолади](#). Бу ҳақда «Ўзбекистон 24» телеканали хабар берди. Фармон ўз айбини чин дилдан тан олган ва тузалиш йўлига кирганларга нисбатан қабул қилинган.

Матнда қайд этилишича, афв этиш акти жиноят содир этилганлик фактни бекор қилмайди, балки “ўз айбини англаган, қилган ишидан пушаймон бўлган ва тузалишга интилишини исботлаган шахсларга берилган имконият” сифатида қаралади.

Жами 523 киши афв этилди, шундан:

195 нафари жазодан тўлиқ озод қилинди;

147 нафари муддатидан илгари шартли равишда;

87 нафари жазоси енгилроғига алмаштирилди;

94 нафари озодликдан маҳрум қилиш муддати қисқартирилди.

Афв этилганлар орасида:

45 нафар аёл;

31 нафар 60 ёшдан ошган киши;

220 нафар 30 ёшгача бўлган, шу жумладан 1 нафар вояга етмаган;

8 нафар хорижий фуқаро (6 нафари Тожикистон, 1 нафари Серра-Леоне фуқароси);

15 нафар илгари тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлар бор.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура ва тегишли идоралар томонидан озод этилган шахсларни яшаш жойига етказиш, шунингдек, чет эл фуқароларини ўрнатилган тартибда ўз ватанига депортация қилиш ишлари ташкил этилди.

Барча озодликдан маҳрум этилганлар профилактика ва синов дафтарига жойлаштирилади. Уларга бир марталик моддий ёрдам, зарур ҳолларда — чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтиш ва даволаниш, ишга жойлашиш, кредит ва субсидиялар олиш, шунингдек, фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириш ва пенсия олишда кўмак кўрсатилади.